



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 15 НОЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 (14.016)

Баҳоси эркин нарҳда

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАҲОН БОЖХОНА ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь кунини Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференциясида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунно Микурияни қабул қилди.**

Учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг Жаҳон божхона ташкилоти билан конструктив ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон 1992 йилдан буён ушбу нуфузли халқаро тузилма аъзосидир. Ўтган даврда юртимиз божхона органларининг ҳуқуқий базасини шакллантириш, инфра-тузилмасини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича қўшма тadbир ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Кейинги йилларда, аввало, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, малакали кадрларни, жумладан, ташкилотнинг Брюсселдаги бош қароргоҳи негизда тайёрлаш каби йўналишларда ўзаро алмашинувлар сезиларли фаоллашгани кузатилади.

Учрашувда халқаро стандартларни жорий этиш асосида божхона органлари салоҳиятини ошириш, божхона масканларини замонавий комплекс ва ускуналар билан жиҳозлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашини кучайтириш, хориждаги етакчи марказларда мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлики кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ўзаро ҳамкорлики мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш ва тез фурсатда қабул қилишга келишиб олинди.

Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг натижадорлигини, шунингдек, Марказий Осиёда яхши кўшничлик ва шериклики мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни юксак баҳолади.

Кунно Микурия ташкилот бундан буён ҳам мамлакатимиз божхона органларини ислоҳ қилишни давом эттириш ва минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликини кенгайтириш борасида фаол кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

**Тошкентда 14 ноябрь кунини Евроосиё архитектура-қурилиш ва дизайнерлик мактаблари IX халқаро фестивали ўз ишини бошлади.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Туркия Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Қозоғистон бош архитектура-қурилиш академияси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда Ўзбекистон, Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистон каби 20 дан ортиқ мамлакатнинг 80 га яқин вакиллари иштирок этмоқда.

Фестиваль илк бор 2009 йилда ташкил этилган. Ўтган вақт мобайнида ушбу фестивалда 2 минг нафарга яқин талаба ўз иши билан иштирок этган.

Евроосиё архитектура-қурилиш ва дизайнерлик мактаблари IX халқаро фестивали очилишида Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Р.Ҳакимов, Қозоғистон бош архитектура-қурилиш академияси президенти А.Қусайнов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, фестивал мамлакатларимиз миллий шаҳарсозлик аъёнларини тарғиб қилиш, архитектура ва қурилиш соҳасида тажриба алмашиш, илгор технологиялар асосидаги замонавий лойиҳаларни бунёдкорлик ишларида қўллаш бўйича мулоқотлар ташкил этиш платформаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Фестиваль илк бор ташкил этилгандан буён унинг географияси, иштирок этувчи мамлакатлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Дастлабки фестивалда 7 мамлакатдан 18 та олий таълим муассасаси иштирок этган бўлса, 2018 йилда Евроосиё минтақасидан 18 давлатнинг 56 та университет талабалари қатнашди.

Тadbирни ўтказишдан мақсад – архитектура-қурилиш ва дизайнерлик мактаблари ўртасидаги ҳамкорлики янада ривожлантириш, ушбу йўналишдаги битирувчиларнинг диплом иши лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, улар ўз салоҳиятини намойиш этиши учун имконият яратиш, олий таълим тизими талабалари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни мустаҳкамлашдан иборат.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган Евроосиё олий ўқув юртлири битирувчиларнинг архитектура-қурилиш, дизайнерлик, геодезия, картография ва қурилиш материаллари йўналишлари бўйича битирув-малакавий ишлари кўрик-танловига 550 дан ортиқ талаба диплом лойиҳасини тақдим этган.

Фoлиб деб топилган талабаларнинг ижодий иши Лойиҳа институти, хусусий сектор вакиллари томонидан амалиётда қўлланилиши учун тавсия этилади.

Фестиваль доирасида Туркия Республикаси Атроф-муҳит ва шаҳарсозлик вазирлигининг ўринбосари бошчилигидаги делегация вакиллари учун пойтахтимиз марказида қад ростлаётган "Tashkent City" мажмуига экскурсия ташкил этилди.

"Tashkent City"нинг 5-лот қисмида жой олган Конгресс-холл ва "Hilton" меҳмонхонаси меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Экскурсия давомида меҳмонлар "Tashkent City"нинг 18 гектарлик замонавий паркни ҳам томоша қилди.

Нурилло НАСРИЕВ

## САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий мазмуни ва мақсади ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.**

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида юртимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" дастури асосида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада муайян ютуқларга эришган дунё мамлакатларининг мураккаб тажрибасини ҳамда миллий хусусиятларимиз ва ҳалқимизга хос бўлган қадриятларимизни эътиборга олган ҳолда ижтимоий ҳаётимизга босқичма-босқич татбиқ этиб келинмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг натижалари ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ҳамда маънавий соҳалардаги ислохотларнинг бориши ва ривожланишининг кейинги истиқболлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бинобарин, мазкур сайловларнинг демократик,

очик, ошкоралик, қонун устуворлиги тамойиллари асосида ўтиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий вазият ҳамда муқаммал сайлов ҳуқуқи асосларининг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари ва институтиларини сайловлар йўли билан ташкил этиш борасида халқаро нормалар ва андозаларга тўла мос келаётган тажриба шакллантирилди. Шу ўринда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишининг муҳим қарорати сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини эътироф этиш мумкин. Конституцияда белгиб берилган сайлов оид конституциявий тамойиллар асосида Сайлов кодекси қабул қилинди.

Ўз ўрнида, миллий сайлов қонунчилигимизда

дунёнинг аксарият мамлакатларида мавжуд бўлмаган бир қатор институтлар ўз ифодасини топганига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Хусусан: сайлов жараёнида кузатувчи институтининг жорий этилганлиги; сайловларни ўтказиш бўйича махсус ваколатли органлар тизими – Марказий сайлов комиссияси, округ ҳамда участка сайлов комиссияларининг мавжудлиги; сайлов жараёнини молиялаштиришнинг фақат давлат бюджети томонидан амалга оширилиши; сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши лозимлиги; сайлов тезисларининг камлиги ва уларнинг адолатли тартибда белгиланганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда сайловда муҳим омил бўладиган фуқаролик жамияти институтилари ҳамда кўппартиявийлик тизими ташкил топди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шулар жумласидандир.

Олдинги сайловлардан фарqli ўларoқ янги ташкил этилган Ўзбекистон экологик партияси ҳам бўлиб ўтадиган сайловларда бошқа партиялар билан тенг равишда иштирок этади.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2020 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2020 йилда фуқароларнинг расмиЙ саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилда 23 март – душанба қўшимча дам олиш кунини эътиб белгиланган.

2. 2020 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

4 январь – шанба 2 январь – пайшанбага;

29 август – шанба 31 август – душанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 2 январь пайшанба ва 2020 йил 31 август душанба кунини барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунини ҳисобланади;

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунини ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини бир иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунини қўшилади;

ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобига олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунини меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан қасаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмини ривожлантириш давлат

қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайди) кунларнинг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар белгилишини ҳамда ақциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайди) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тadbирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан қасаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 14 ноябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илгор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнини ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3900-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) тузилсин.

2. Қуйидагилар Кенгашининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

илгор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбеки-

стон Республикаси Ҳукуматиға мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тadbиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва худудларга рақобатбардор экспортбо махсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдонини ривожлантиришга кўмаклашиш;

(Давоми 2-бетда)



● Андижон вилояти Булоқбоси тумани маданият ва истироҳат боғида "Янги Ўзбекистонни биргаликда курашимиз!" шиори остида сайловдони тарғибот тadbирини бўлиб ўтди. Тadbирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ" кодекси мазмун-моҳияти, сайловлар бутунлай янгича муҳит, янгича ҳуқуқий шароитда ўтиши, ушбу сиёсий жараёнга O'zLiDeP

партияси томонидан пухта тайёр-гарлик кўрилатганини таъкидлади. Партиянинг сайловдони дастурида илгари сурилган асосий гоя ва вазифалар ҳақида иштирокчиларга кенг маълумотлар берилди.

● "Паррандасаноат" уюшмаси томонидан Ўзсаноатқурилишбанк билан ҳамкорликда соҳани янада ривожлантириш йўлидаги изланишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Жанубий Кореянинг хонаки товуқларидан наслли жўжалар етиштиришга ихтисослашган "Хан Хю Бридер" компанияси томонидан юртимизга Хан Хю зотидан ўн икки мингта жўжа олиб келинди. Бундан ташқари, банкдан ажратилган 25 млрд. сўмлик кредит эвазига Хитойдан 100 мингта бройлер жўжасини боқиш технологияси, соатига 10 минг тонна озука ишлаб чиқариш ва соатига 1,5 мингта товуқни

сўйиш қувватига эга ускуналар харид қилинди. Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгандан сўнг кластернинг бир йиллик товуқ боқиш қуввати 6020 тонна товуқ гўшти ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

● Самарқандда вилоятдаги автомобилсозлик корхоналарининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқаларини кенгайтиришга қаратилган кўргазма ўтказилди. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда "JV MAN Auto – Uzbekistan", "SamAuto", "Uz Auto TRAILER" корхоналари ва улар билан ҳамкорликда ишлаётган ҳамда келгусида биргаликда ишлаш нияти бўлган тadbиркорлар, саноат корхоналари вакиллари иштирок этди.



● Исроилда саратонга қарши вакцина яратилди. Тadbиркорларнинг сўзларига кўра, янги кашфиёт саратон ўсмаларига аъёнанинг таъсир ўтказувчи усул – киметерапияга зарурат қолдирмайди. Инновацион препарат меланомадан бутунлай қутулишга ёрдам беради ҳамда келгусида онкокасаликлар ривожланишига чек қўяди. Вакцина беш йил давомида яратилди. Экспертларнинг айтишича, доривор модда хавфли ўсмаларга энгил таъсир ўтказиши ва беморнинг кундалик турмуш тарзига халақит бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОПИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

давлат органлари ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг фаоллиги тўққинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлаш;

давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўққинлик қилувчи омилларни бартаараф этишга қаратилган самарали тақлифларни ишлаб чиқиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни таъқи бозорларига олиб чиқиш учун қўлай шароитлар яратишга, самарали транс-

порт йўлақлари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга кўмаклашиш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг босқичма-босқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илгор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро имижини, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги маънавият органи ҳисобланади; Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмалар, халқаро молия инсти-

туллари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, шу жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, бошқа иштирокчилар орасидан белгиланган тартибда шакллантирилади;

Кенгаш ўз фаолиятини оралик ва ялли мажлислар шаклида юритади. Кенгаш ялли мажлислари йилда бир марта, оралик мажлислари – йилда камида икки марта ўтказилади;

Кенгашнинг ялли мажлисларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан, оралик мажлисларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар эса Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

Кенгаш аъзоларининг мажлисларга келиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари Кенгаш аъзоларининг ўз маблағлари ҳисобидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Қўйилдиғилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгашининг Ўзбекистон томони таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган Кенгаш аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маъкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 13 ноябрь

Сайлов – 2019

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мазкур партиялар томонидан жамият ва давлат ҳаётида турли қатламларнинг манфаатларини ҳоқимият даражасига кўтариш борасида муайян сиёсий тажриба орттирилди. Шу асосда мазкур партиялар жамият сиёсий тизимида ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратига таяниш борасида ўз дастурий вазифаларини амалга ошириб келмоқдалар.

Маълумки, сиёсий партиялар у ёки бу манфаатларни ифода этибгина қолмасдан, бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита иштирок этадилар. Партиялар фуқаролик жамиятининг давлат билан уйғунлаштириб, мурасасизликлари йўқотиш ёки юмшатишни таъминлайдилар, қонун чикарувчи ва ижроия ҳоқимиятларининг барқарорлигини сақлашга ўз ҳиссасини қўшадилар.

Биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай ноҳуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгилашнинг заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгариш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Шу муносабат билан қабул қилинган Сайлов кодекси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Шу маънода, сайлов қончилигининг ривожланиши миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш,

жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодийётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши мурқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши,

давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишга асос бўлади. Шубҳасиз, ушбу ислохотлар йиллар ўтган сари янада самарали бўлиб, ривожланиб бораверади.

Албатта бунинг учун, ҳозирги тараққиёт босқичимизда ушбу ислохотларни янада собитқадамлик билан давом эттиришимиз ва белгиланган режаларни такомилга етказишимиз лозим.

Уйлаймизки, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловлар ҳам бизнинг муста-

диган муҳим сиёсий воқеадир. Сабаби, жамиятда бошқа ҳеч бир жараён йўқки, унда ҳар бир фуқаро иштирок этса. Сайлаш ёки сайланиш оддий ҳол эмас. Бу имкониятлар замирида мустақил Ватанимиз тақдирини, унинг порлоқ келажаги турганлигини ҳис этиш ҳар биримизнинг келажакка нечоғлик масъул эканимизни англайди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда тақлиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади. Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб бурса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Мамлакатимизда қонунчилик ҳоқимияти ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар демократик ислохотларнинг барча истиқбол йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда давлатимиз томонидан танланган ривожланиш йўлидаги "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" дастурий амалда бажарилишини таъминлашда муҳим босқич бўлиб тарихимиз саҳифаларидан ўрин олиши шубҳасиздир.

М.НАЖИМОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда кай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида турли зарур.

Юқорида айтилган фикрларни муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, ўз навбатида, бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий

қиллик даврида тўплаган тажрибаларимизнинг самарасини, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик кириб борганлигини ҳамда аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади. Шу жиҳатдан олганда, сайловчиларимиз мустақиллик билан давлатимизнинг муваффақиятли давом эттирадиган, халқимиз юқини ўз елкасида кўтара оладиган, унинг фаровонлигини таъминлаш, юрт тинчлигини сақлаш, Ватан раванқини кўтаришга хизмат қила оладиган, халқаро майдонда Ўзбекистан обрўйини оширишга ўз ҳиссасини қўшадиган муносиб номзодларга овоз беради. Ўз ўрнида, сайловлар жамиятнинг демократик қиёфасини кўрсатиш билан бирга, муайян халқнинг ҳуқуқий онги-тафаккурини намоён эта-

Барчага маълумки, демократик, эркин ва адолатли сайловларни ўтказишнинг мезон ва стандартлари БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларида тўлиқ ифодаланган. Хусусан, мамлакатимизда Миллий сайлов қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, бошқа қатор қонун ҳужжатларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз сайлов қонунчилиги тизимининг асоси саналади. Унинг алоҳида боби сайлов тизимига бағишланган.

ТАШВИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Юртимизнинг айрим фуқароларида мазкур қонунчилик асосларини, сайлов ҳуқуқларини яхши билмаслик ҳолатлари ҳам кузатилади. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида олий таълим муассасамиз талабаларига сайловолди ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳақимиятисини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари меҳанизмлари бугунги кунда ҳар бир талабани қизқитириб бормоқда. Мазкур ташвиқот тадбирларида Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эғалиги, ҳар бир фуқаро – сайловчи қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқларининг кафолатланмишига оид саволларга батафсил жавоб бери-

лади. Талабалардан тушаётган аксарият саволлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқини, сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқини, сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлардан ташкил топаяти. Биз устоз сифатида уларга тўғри йўл кўрсатиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилишини тушунириб бораёямиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси бўйича берилган саволларга Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида

Дилсўз ЗОЙИРОВА, Тошкент давлат юридик университети Тил ўргатиш кафедраси ўқитувчиси

БАНК ХОДИМЛАРИ САЙЛОВДАГИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Илгари ҳар бир ҳудуднинг ўз локал рўйхати асосида иш кўрилган, натижада бир киши бир неча участкадан овоз бериши мумкин бўларди. Рўйхат ягона бўлгани боис энди бунинг имкони бўлмади, чунки, ҳар бир сайловчининг овоз берган-бермагани ягона базада қайд этилади.

Шунингдек, бутун оила номидан бир киши келиб овоз бериши ҳолларига ҳам йўл қўйилмади.

Бу ва яқинлашиб келаётган сайлов билан боғлиқ барча янгиликлар "Қишлоқ қурилиш банк" ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ўтказилган "Янги сайловлар – янги Ўзбекистон" мавзусидаги тадбирда алоҳида қайд этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, банк ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараёнлар арасида яъни 22 декабрь куни парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайловларда қайси соҳада фаолият юритмасин, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозим.

Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида 42 филиал мавжуд бўлиб, уларда 3 мингдан ортиқ ходим ишламоқда. Улар ўз навбатида сайловчи ҳамдир. Шунинг учун

банк раҳбарияти ходимларнинг сайловларга оид билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Аслида ҳам бу йилги сайловларнинг "Янги сайловлар – янги Ўзбекистон" шиори остида ўтказилишида чуқур маъно бор.

Учрашувда банк-молия соҳасини тартибга солувчи қатор қонунлар, хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар ва уларнинг ижроси кўп жиҳатдан янгидан шаклланадиган парламент фаолиятига узвий боғлиқлиги қайд этилди. Мана шу жиҳатлар бугунги кунда банк соҳасида ишларётган ходимларнинг яқинлашиб келаётган сайловларда янада фаол бўлишини талаб этади.

Тадбир якунида "Қишлоқ қурилиш банк" ходимлари Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот марказида яратилган қўлайликлар билан таништирилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан ўтказилаётган Бағрикенглик ҳафталиги доирасида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фуқаролик форуми бўлиб ўтди.

Унга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятларининг вакиллари, тегишли ташкилот ва идоралар, вазирликларнинг мутасаддилари тақлиф этилди.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази директори Р.Комилов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Н.Алимов, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Тошмухамедова, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари М.Ҳожиमतов ва бошқалар миллатлар ўртасидаги тотувликни таъминлаш, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳроқибат, ўзаро ҳурмат муҳити бугун қўлга киритилаётган барча ютуқларда асосий омили бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 май қўни қабул қилинган "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни миллий маданий марказлар Фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истиқболларни очмоқда.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш, маданий-гуманитар алмашинуви ривожлантириш йўлида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан биргаликда турли тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Бугун юртимизда 138 миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Улар турли миллат ва элатларга мансуб фуқароларнинг эзгу қадриятларини асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш, ёш авлодни миллатлараро бағрикенглик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттишда дўстлик жамиятларининг роли ҳам катта бўлмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 36 дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятлар Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, чет элда мамлакатимиз ижобий имижини тарғиб этиш, нодавлат ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда.

– Миллий маданий марказлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг шароитлар яратиш масаласи миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган, – деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Жаҳонгир Ширинов. – Нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида улар учун солиқ, мажбурий тўловлар бўйича муайян имтиёзлар яратилган. Айни пайтда грантлар, ижтимоий буюртма ва субсидиялар орқали ҳам уларнинг турли илгор ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фаолияти, эришилган ютуқлар, улар дуч келаётган муаммолар ва тақлиф этилаётган ечиллар, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва чет элдаги ватандошлар билан ишлашда "халқ дипломатиясининг" аҳамияти каби масалалар атрофида муҳомаа этилди.

Н.УСМОНОВА

СИЗНИНГ ИШТИРОКИНГИЗ МУҲИМ

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Бектемир тумани бюджети қўшимча манбаларининг миқдори 2 371 000 000 сўмини ташкил этди. Ушбу маблағларнинг камида 10 фоизи яъни 237 100 000 сўм асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида сиз азиз ҳамшаҳарларимизнинг иштироки муҳим.

Бунинг учун сиз қўйида туманимиз аҳолиси томонидан тақлиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг қўйи қисмида жойлашган "фиркингиизни қолдириш" тумаси орқали ўз тақлифингизни қолдиришингиз сўралади. Энг қўн овоз беришдан тадбир жамоатчилиги фикри асосида белгиланган тадбир ҳисобланади ва туман бюджетини қўшимча манбаларидан 10 фоизи яъни 237 100 000 сўм маблағ ушбу тадбирни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тадбирга овоз бериш ёки тақлиф бериш давомийлиги 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябрга қадар давом этади. 2019 йил 15 ноябрдан кейин берилган овоз ва тақлифлар ҳисобга олинмаслигини маълум қиламиз! Шу муносабат билан Сиздан, тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Бектемир тумани Молия бўлими





Маданият

II ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АМАЛИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида "ИНСОН. МУҲИТ. САНЪАТ" деб номланган II Тошкент Халқаро амалий санъат биенналесининг бўлиб ўтди.

Санъат байрами Ўзбекистон Бадий академияси, бир қатор вазирилик ва идоралар, чет давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди. II Тошкент Халқаро амалий санъат биенналесининг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, замонавий амалий санъат асарларини тақдим этиш, шунингдек, унутиб борилаётган анъаналарни қайта тиклаш ва дунё санъатида юз бераётган жараёнларни амалда намойиш этишдан иборатдир, — дейди тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов. — Бизнинг мақсадимиз нафақат миллий амалий санъатимизнинг гўзал ва бетакрор намуналарини дунёга намойиш қилиш шу билан бирга хорижий мамлакатларнинг ҳам амалий санъатида бахраманд бўлишдир. Бу, эса ўз навбатида, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга, маданий-гуманитар ришталарни халқаро миқёсда мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, миллийлигимизни ўзида мужассам этган амалий санъатнинг барча турлари ва кўринишлари инсонларнинг онгу тафаккурини теранлаш-

тиришда, уларнинг қалбига эзгу ғоялар ва яхшиликларни сингдиришда нури бир боғич бўлиб хизмат қилади. Биенналеда юртимизнинг 100 дан ортиқ амалий санъат усталари ўз асарларини кенг намойиш этмоқдалар. Жумладан, Италия, Англия, Жанубий Корея, Япония, Бангладеш, Эрон, Хитой, Покистон, Россия, Озарбайжон, Қозғистон, Украина, Тожикистондан ташриф буюрган 30 га яқин ижодкорлар ҳам тадбирнинг асосий иштирокчилари саналади. — Ўзбекистонга ҳар гал келганимда катта ўзгаришлар мени доим мафтун этади, — деди япониялик дизайнер Саито Ёшикоман. — Айниқса, биенналедаги миллий рух менга жуда ҳам манзур бўлди. Бундай ажойиб халқаро кўргазмада иштирок этаётганлигимдан мамнунман ва тақдир этишгани учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этиб қоламан. Мен маъмур тадбирга ўз ижод намуналаримдан ҳам олиб келдим. Биенналенинг биринчи кунинда Бадий кўргазмалар дирекциясида "Ипак жилолари" ипак гиламлар кўргазмаси, "Сеҳрили чарх навалари" ўзбек миллий кулолчилик кўргазмаси бўлиб ўтди. — Сулоламиз 250 йилдан бери кулолчилик билан

шуғулланиб келади, — деди Ўзбекистон Бадий академияси академиги, уста-куллол Алишер Назруллоев. — Мен олтинчи авлодман. Ҳозир фарзандларим еттинчи авлод вакили сифатида ота-бобларимиз хунарини давом эттирмоқда. Кўргазмада Гиждубон анъанавий кулолчиликнинг бой намуналари билан иштирок этаёпмиз. Уларда 200 га яқин қадимий нақшларни тиклашга эришдик. Шакл жиҳатдан эса 80 га яқин тарихий кулолчилик анъаналарини ҳам ҳаётга кайтардик. Шу пайтгача бундай ноёб санъат тури билан Япония, Германия, Франция, Америка Қўшма Штатлари сингари кўплаб чет мамлакатларни кездим, дунё танидим. Юртимизнинг тинчлиги ва тарраққиётига кўз тегмасин, амалий санъатимизнинг бебаҳо дурдоналари эса асрлар оша ўзидан шуур, нур, маънавият ва маърифат машъаласини таратиб тураверсин. — Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди Бангладешдан ташриф буюрган Тьябуззаман Хан Топу да. — Ўзбек миллий кулолчилик санъати менда катта қизиқиш уйғотди. Чунки ўзим ҳам кулолман. Мамлакатимизда таассуротларим бу ерда хунармандларнинг ишига жуда қизиқаялман. Санъат байрамининг ижодимни намойиш этишдан кўра, ҳамкасбларим билан ўзаро мулоқот ва тажриба алмашинув мен учун жуда ҳам муҳим. Биенналенинг биринчи кунинда Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея маданият ва санъат йўналишидаги маънавиятнинг муносиб вақти бўлишига қўшма ҳисса қўлдирдим. Камалиддин Бехзод номидидаги Шарқ миниатюра санъати музейида эса "Қадимий қоғоз турлари, хаттотлик намуналари ва миниатюра асарлари" кўргазмаси бўлиб ўтди. Бадий кўргазмалар дирекциясида ташкил этилган "Шарқ афсоналари" ва "Аъло бахмал" миллий либослар намойиши ҳам Халқаро амалий санъат биенналесининг илк куниндаги ёрқин тадбирлардан бўлди. Гулчехра ДУРДИЕВА

"101"

ЭТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИДА

Ўзбекистоннинг олдини олиш, уни бартараф этиш, фуқароларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳа ходимлари томонидан уларга бириктирилган ҳудудларда текширувлар ва ўрганиш тадбирлари ўтказилмоқда.

Тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудларида ёнғинларнинг олдини олиш ва фуқароларни масъулиятини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашув ва тушунтириш ишлари, олиб борилаётган. Айтиб ўтиш жоизки, содир бўлаётган ёнғинлар бепарволик, лоқайдлик сабабли келиб чиқади. Масалан, Яшнобод тумани, Фарғона йўли қўчасида содир бўлган ёнғинда унинг бостирма ва ошхона том қисмлари 50 кв.м. майдонда ёниб, икки қўшни уйининг том қисми алангадан жабр кўрган. Содири бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа турли хилдаги кўнгилсизликларнинг олдини олиш ўз қўлингизда. Бунинг учун барча ёнғин хавфсизлиги қондаларга тўлиқ риоя қилинг!

Бомбурод САБИРОВ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Администрациясига қарашли Архив ва Халқ қабулхонаси биноларининг ёнғиндан муҳофизат қилувчи ЎХБ кичик инспектори, сержант

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газли иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бефарқлик умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қондаларига риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда ёнғин чўқмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачиғидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун саннат қорхоналарида ёнғиннинг олдини олиш ва ўз ўрнида тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда қондаларга қарши бир ишчининг иштирокида олиб борилади.

Бундан мақсад турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш, барчани оғохлантиришдан иборатдир.

Абдумавлон АБДУЛАЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг ёнғиндан муҳофизат қилувчи ЎХБ кичик инспектори, сафардор

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шахримиздаги қорхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг ҳам, куйиш ҳолларининг ҳам олдини олган бўламиз!

Содиқ ХАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Биносининг ёнғиндан муҳофизат қилувчи ЎХБ инспектори, катта сержант

Маҳалла жамиятининг бирламчи негизидир. Шу боис маҳалла-ларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш соҳа ходимларига улкан масъулият юқлайди. Чунки, содир бўлган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда.

Гап аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳақида борар экан содир бўлаётган ёнғинлар сабаблари ҳақида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларини янада кучайтириш, камчиликларни бартараф этишда талабчанликни ошириш, бу йўналишда мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланишни талаб этади. Аҳоли яшаш жойларида куйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига эътибор қаратиш муҳимлигини эслатиб ўтамиз: хонадонларни қуриш вақтида ёнғин хавфсизлиги оралиғи, турар жойларнинг атрофи ва ҳудуди ўз вақтида қуруқ ўтлар, қуриган шох-шаббалар, барглар, ишлаб чиқариш чинкидилари, ахлатлар ва бошқа ёнғинчи материаллардан тозаланиши керак; ёнғинчи чинкидилар, ахлат, алоҳида ажратилган майдончалардаги қутилларга йиғилиши ва маскан ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши лозим.

Белгиланган қондаларга амал қилишни унутманг! Ботир ШОРАХИМОВ, "Бунёдкор" ЎХБ бошлиғи, майор, Махсудали САЙДИЙ, "Бунёдкор" ЎХБ инспектори, катта лейтенант

Бугун байрамларни ранг-баранг шарларасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча болаларнинг ҳаво шарлари ҳамда улардан ясалган ўйинчоқларини мириқиб ўйнайдилар. Байрамларни безатишда албатта гелий бўлиб тайинланган ва ҳаёт учун хавфсиз ҳисобланган шарлар ишлатилиши керак. Афсуски, айрим масъулиятсиз кимсалар томонидан ёнғинчи газ билан тўлдирилган ҳаво шарларини кичкинтойларга сотадилар. Бундай шарлар жуда хавфли ҳисобланиб, айниқса, хизмат ёки яшаш хоналари безатилган бўлса-ю, кўнгилсиз ҳолат юз бериши учун биргина чўғининг ўзи кифоя. Натижада инсонлар жиддий тан жароҳати олиб, байрам фожиага айланishi мумкин.

Эркан СУГУРБАЕВ, Учтепа тумани ЎХБ инспектори, сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифалари энг аввало, ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш, шу орқали ёнғинлар сонини камайтиришдан иборат. Айниқса, ёш болалар ўртасида фавуқлода ёнғин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатиш аҳамиятлидир. Болаларга ёнғин хавфсизлиги қондаларини қанча эрта ўргатилса, юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга ҳисса қўшилади.

Зафар АКБАРОВ, Ўзбекистон Республикасининг Биносининг ёнғиндан муҳофизат қилувчи ЎХБ инспектори, майор

Қилмиш — қидирмиш

ҚОРА ЮЗЛИ ТАЛОНЧИ

Жиноят жамиятга ҳам моддий ҳамда маънавий зарар etkazувчи ажитивий қилмишдир. Шу боис у хоҳ катта, хоҳ арзизмаган бўлсин жамият томонидан унга ўз вақтида етарлича эътибор қаратилиши лозим. Зеро, доно халқимиз билиб айтганидек, касални даволагандан кўра унинг олдини олиш афзал.

Айримлар жиноят, жиноятчиликнинг олдини олиш деган ибораларни эшитган захоти ҳуқуқ-тартибот органлари ёки суд-ҳуқуқ тизими ходимларини кўз олдида келтиради. Хўш, аслида-чи? Ҳақиқатан ҳам жамият учун хавфли иллат бўлмиш жиноятчиликка қарши кураш фақат шу тоифа одамларнинг юмушинингми? Бу саволга қисқача "йўқ" деб жавоб бериш мумкин. Бинобарин, ҳеч бир инсон она қорнидан жиноятчи бўлиб туғилмайди, ким қандай бўлиб униб-ўсиши, тарбияланиши ва яшashi оила, ён-атрофдаги муҳитга боғлиқ. Агарда ота-она фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндошса бундай оилада нотўғри йўлга кирадиганлар бўлмайди. Чунончи, ота-онасидан нима ҳалолу нима ҳаром, нимани қилиш мумкин нима қилиш мумкин эмас, ота-онага, атоф-муҳитга, бординги, ҳайвоноту наботот оламига қай тариха муносабатда бўлишини ўрганган бола уларнинг шаънига доғ туширадиган иш қилмайди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда таълим муассасалари ва маҳалланинг ҳам ўрни беқиёс. Чунки ёш бола илк дафъа кўрадиган ташқи олам мана шу масканлар бўлади, оиладан олинган сабоқлар ҳаётда қўлланила бошлайди. Башарти, бола носоголом муҳитдан чиққан бўлса, муаллим тарбиячилар, кўни-кўшиллар ва маҳалла оқсоқоллари уни тўғри йўлга йўналтиришда ўзларини бурчли деб билишлари зарур. Ахир, "битта болага етти маҳалла ота-она", деган пурмаъно ҳикмат беҳиз айтилмаган. Баъзан, бола боғчада, мактабда ёхуд маҳалладами ўртоғининг нарсасини рухсатсиз олиб келиб, бемалол ишлатиб юрса-да ота-она лом-мим демайди. Ёинки кўча-кўйда безорилик қилаётган болани кўрса-да, "бола-да"

деб елка қисиб ўтиб кетадиганлар ҳам топилади. Аммо арзизмаган бу хатти-ҳаракатлар вақт келиб катта жиноятларга сабаб бўлганда барча ўзини четга олади. Эътиборсизлик, лоқайдлик ва бепарволик қурбонига айланган ёш ниҳол охир-оқибатда жиноятчи деган тамгани олади.

Шу ўринда бир мисолга тўхталиб ўтсак. Шаҳзод Холиқов (исм-фамилия ўзгартирилган) эндигина 22 ёшга кирган бўлсада, муқаддам судланган. Бирок, у ўзига тегишли хулоса чиқармаган кўринадди. Шаҳзод шу йил 11 август куни тахминан соат 23.00 ларда ўзганинг мулкни очикдан очик талон-тарож қилиш мақсадида қора никоҳдан фойдаланиб таниши Ш.Солиевага тегишли 7 миллион сўм пулни талончилик йўли билан қўлга киритган. У пуллари кўп қаватли уйларнинг ташландиқ жойига яшириб қўяди. Айтиш керакки, Ш.Солиева қочиб кетган талончини қадам ташлашдан таниб қолади. Шундан сўнг Шаҳзод Холиқовнинг уйига бориб, онасидан унинг қаердалигини сўрайди. Қисқаси, Шаҳзод келганида уни ИИБ ходимлари кутиб турганди...

Суд ҳукмига кўра, Шаҳзод Холиқов ЖКнинг 166-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган деб топилди. Унга шу модда билан қонуний жазо тайинланди.

Шаҳзод Холиқов айни ўқиб-ўрганиб, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишга интиладиган бир пайтда суднинг қора курсисидан жой олгани ачинарли, албатта. Унинг қисмати бошқаларга сабоқ бўлса ажаб эмас. Ахир қилмиш — қидирмиш, деб бекорга айтишмаган.

Аброр САИДОВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг раиси

Миллий урф-одатларимиз, табиатимизга мутлақо ёт тарзда кийинган олифатгина қизга нуроний онахон оҳишта танбеҳ беради: "Қизим, эрталаб уйдан чиқиб кетаётганингизда ота-онангизга кўриниш берганмидингиз?!"

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА БЕФАРҚЛИК ЯРАМАЙДИ

Мода кетидан тинимсиз қувадиган қизнинг алламбало кийимлари маҳалла онахонининг ҳайратига сабаб бўлгани бежиз эмас. Соддагина она қизининг эндидаги тиззаси йиртик жинси шимнинг "урф" эканини қайдан ҳам билсин! Мунис нуроний аёлнинг гаплари қизга таъсир қилдими, ўшандан буюн кўча-кўйда бу каби "моддий" либосда юришни бас қилди. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги "Юнус ота" маҳалла фуқаролар йиғинида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ўттиришга қўйиш, улардаги муомала маданияти, кийиниш одобини рисоладагидек шакллантириш масаласига доимий эътибор қаратилади. Бу борада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар қутулган ижобий натижаларни бермоқда.

Бу жиҳатлар "Юнус ота" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган "Кийиниш одоби

ва маданияти" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ҳам яна бир қарра намойиш бўлди. Тадбирда юртимизда оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларга кенг имкониятларни очиб борадиган кўплаб эзгу ишлар, ибратли ташаббуслар ҳаётга кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш ўрнига ўзининг гайритабиий хулқи, кийиниши билан кўпчиликдан салбий маънода ажралаб туришга интилаётган айрим ёшлар ҳам борлиги таъсирли ҳолатдир. Тадбир давомида ёшлар эндидаги либослар инсон одоби, маънавияти, феъл-атворининг кўзгуси бўлиши билан бирга, уларнинг қандай оилада, қай муҳитда ҳаётга етаётганини кўрсатувчи ўзига хос кўрсаткич экани эътибор қаратилди. "Бувижоним кийган либослар" мавзусидаги кўргазма кўпчиликда катта таассурот уйғотди. Маҳалла қошидаги "Қизларжон" тўғарагага аъзо чевар қизлар томонидан тайёрланган мазкур кўргазма миллий руҳи, қўлигул тикувчиларнинг маҳоратини намойиш этгани билан ҳам диққатга сазовор бўлди.

(ЎЗА)

Реклама ва эълонлар

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан 1981 йилда Касьянов Сергей Борисович номига берилган № 392048 рақамли диплом йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 57-сонли мактаб томонидан 2009 йилда Сейтқориходжаев Хабибулла Абдулаҳат ўғли номига берилган UZ M № 0008297 рақамли гувоҳнома йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, 9-маъзе, 2а-уй, 74-хонадон учун Бозоров Акрам Тожиевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

TOШКЕНТ ОҚШОМИ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. НАШРИН ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ БУЙИЧА ТУРАР ЖОЙЛАРДАГИ ПОЧТА БЎЛИМЛАРИГА ЁКИ «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz. ДУШАНБА, СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. НАШР КЎРСАТКИЧИ — 563. ҲАЖМИ — 2 БОСМА ТАБОҚ, ОФСЕТ УСУЛИДА БОСИЛАДИ. 1353 НУСХАДА БОСИЛДИ. ҚОҒОЗ БИЧИМИ А-2. НАШР УЧУН МАСЪУЛ О. ҲАЗРАТОВ. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ-БОСМАХОНАСИ. ҚОРХОНА МАНЗИЛИ: БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ, 41-УЙ. Бош муҳаррир АКМАЛ АКРОМОВ. Топшириш вақти: 13.00. Босишга топшириш вақти: 15.00.